



**ALISHER
NAVOIYNING
“DIN OFATI...”
MUSTAZODI
SHARHI**



JUMANAZAROVA RAYHON,

O'qituvchi, Qarshi davlat universiteti

rayxonjumanazarova3@gmail.com

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp96-99>

Annotatsiya: Ushbu maqolada mustazod janrining o'ziga xos xususiyatlari hamda Alisher Navoiyning “Din ofati” mustazodining g'oyaviy-badiiy xususiyatlari tavsiflanadi.

Kalit so'zlar: aruz, mustazod, poetik shakl, misra, bahr, vazn, taqte', hazaj.

МУСТАЗОД арабча “орттирилган” деган маънони ифодаляб, шеърларда ҳар қайси мисрадан сўнг яна ярим мисра, аниқроғи, мисранинг биринчи ва тўртинчи рукнларига тенг бўлган ярим мисраси орттирилган лирик шеър шаклига айтилади. Алишер Навоий ўзининг “Мезонул авзон” асарида: “... ва яна бу халқ (туркий) орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгга ҳамул баҳрнинг икки рукни биля адо қилиб, суруд мағоматиға рост келтурурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эмиш” [2:180], - деб мисол келтирадilar. Алишер Навоий туркий халқлар адабиётида мустазод деб номланувчи шеърий шакл мавжуд эканлигини ва бу шакл, албатта, қатъий **ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф** вазнида ёзилишини таъкидлайди. [2:181]

Нафас Шодмонов эса ўзининг “Аруз вазни асослари” ўқув қўлланмасида рубоийларда вазннинг муайянлашувига унинг фалсафий мавзуси ва мазмунидаги вазминлик сабаб бўлган бўлса, мустазод вазнлари уларнинг шаклий хусусиятлари билан белгиланишини таъкидлаб ўтган [3:56]. Кейинги адабиётларда бу вазн охиридан мустазод сўзининг қўшиб ёзилиши ҳам анъана тусини олган.

Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий ва Мунис каби ижодкорларимиз бу шеърий шаклда асарлар яратганлар. Муҳаммадризо Огаҳий эса мустазоднинг вазнини янада мураккаблаштириб, ҳар қайси асосий мисрадан сўнг икки эргашма мисра келтириб, мустазод вазнига қисман ўзгартириш киритди ва “мураккаб мустазод кашфиётчиси” номини олди.

Масалан:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
Бир ошиқи ҳайрон.
Дийдорингга шайдо.

Вазни: мафъувлу мафоййлу мафоййлу фаувлун
Мафъувлу, мафоййл
Мафъувлу, фаувлун.

Алишер Навоий ҳам бир қанча мустазод жанридаги асарларни яратди. Масалан, “Хазойинул маоний” девонининг ҳар бир девонида биттадан жами 4 та мустазод жойлаштирди. Алишер Навоийнинг бундай шеърлари девондаги шеърӣ жанрлар тўлиқ бўлиши учун яратилган махсус асар эмас. Балки уларнинг ҳар бири шоир ижодининг маълум даврида бўлиши билан бирга маънавий эҳтиёжининг тақозоси билан юзага келган оригинал асарлардир. Бу хусусиятни уларнинг моҳияти, услуби ва ёзилиш давридан ҳам билиш мумкин. “Хазойинул маоний” га киритилган 4 та мустазоднинг биттаси ёшликда, иккитаси йигитлик пайтида (35 ёшгача) ва яна биттаси қарилик даврида яратилган.

“Наводируш шабоб” девонида **Дин офати бир муғбачаи моҳи лиқодур, майхорау бебок**, деб бошланувчи мустазод Навоий учун “абдий мавзу” – муҳаббат мавзусидаги асар бўлиб, 7 байтдан иборат. Бу мустазод ҳам йигитлик даврига мансуб бўлиб, мафъувлу мафоййлу мафоййлу фаувлун, мафъувлу, фаувлун – ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи махзуфи мустазод вазнида яратилган. Бу мустазодда ҳам бошқа мустазодлари сингари мадҳ ҳамда мадҳ билан васфнинг синтези етакчи хусусият ҳисобланади. Бу мустазод ҳам ўз даврида катта шуҳрат қозонган. Навоийнинг “Ҳайратул аброр” асаридаги ишорасига қараганда, мустазодларидан баъзилари базмларда куйланиб, тингловчиларнинг таҳсинига сазовор бўлган.

Ҳазрат Навоийнинг бу мустазодида ҳам лирик қаҳрамон ошиқ бўлиб, унинг тўзимсиз муҳаббат дарди билан не-не изтиробли жараёнлари, бу қисматнинг олам-олам қувончу озорлари, ситамлари шоир томонидан гўзал ташбеҳлар воситасида тасвирланган.

Дин офати бир муғбачаи моҳи лиқодур,
Майхорау бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
Сармасту ёқам чок.[1:156]

Муғбача – луғавий маъноси май сузиб берувчи бола, бу ўринда ёш пири комил тимсоли, лирик қаҳрамон - ошиқ пир уни ишққа ўргатганлигини, бу ишқдан сармаст бўлиб, ёқасини чок қилиб, ўзлигидан кечиб бораётганини баён қилади. Биламизки, ишқ тасаввуфда Ҳаққа нисбатан пок ишқни ифодалайди. Аллоҳга ошиқлик эса ҳамма юракларга ҳам жо бўлавермайди, фақат уни деганларга, уни севганларгагина насиб этади.

Ҳам туррасининг дуди варъ белига зуннор
Мен кофири ишқи
Ҳам юзи мажус ўти киби шуъла физодур,
Мен ўртанибон пок.

Иккинчи байтда ёрнинг ўрилган сочининг қароси мени кофир этган ишқнинг белидан зуннор каби банд айлаган ва юзи мажусийлар оташгоҳининг оловидек шуъла бағишлаб, бу ўтда мени гўё покламоқда, дейди. Яъни солиқ ўз йўлига ғов бўладиган моддий дунё нарсаларидан воз кечиб, ёруғлик нури сари интилмоқда.

Ул чехра фуруғи тушубон зор танимға
Бир навъ куярким,
Ҳар кимса ани кўрди соғиндики ёнодур
Ўт ичида хошок.

Маъшуқанинг чехрасидан тушаётган нур ошиқ танини шунчалар куйди-
ряптики, ҳар кўрган киши ўт ичида хашак, яъни сомон парчаси деб ўйлайди.
Бу худди оловга талпинган парвонанинг шу ўтда ёниб кул бўлаётган тани
кабидир. Аслида, у ўт эмас, Ҳақнинг висолига етишмоқлик талаби, ишқ аро
ўтга айланган кўнгил, шунинг учун ҳам бу олов унга роҳат бағишлайди, руҳи
ором топади.

Ҳайвон суи жонимни олур лаълидин айру
Ул журъаи майким,
Тегмиш анга майигун лаби жонимға даводур
Не захру, не тарёк.

Ушбу мисраларга келиб, лирик қаҳрамоннинг ишқи янада мавжланиб, уни
жунбишга келтирганлигини кўришимиз мумкин. Бу ишқ майига маъшуқанинг
май рангли лабидан теккан захар эмас, балки жонимга жон бағишловчи,
обиҳаёт сувидир. Шундай экан, у лабларини асло лабимдан олмасин, дейди.
Лаб тасаввуф таълимотида Аллоҳ, пир ва шунингдек, комил ва ориф киши-
нинг, ҳақиқий ёки мажозий ёрнинг каломи, кўрсатмалари, пурмаъно сўзлари-
дир. Зеро, солиқ маъшуқа сифатида пирга мурожаат қилиб, ўзининг суҳбати-
дан уни мосуво қилмаслигини сўрайди.

Бу навъки айлар, майи васли ҳавасидин
Махмур бўлибмен,
Мушкулки ёзилғай бу хуморики мангадур
Соғар бўлиб афлок .

Бу не ҳолки, Ҳақ васли ҳаваси солиқни шундай кўйга солганки, унга фалак
жом бўлиб май қуйса-да, унинг хумори босилмас, фақат Унинг васлига ин-
тилади, унинг васли хаёли қалб хуморига таскин бера олади. Бу таскинни у
пиридангина олиши мумкин.

Сойилмену мақсудим эрур нақди висолинг
Бухл айлама жоно.
Ким барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур,
Мазмун эрур имсок .

Лирик қаҳрамон, яъни сўровчининг мақсади Ҳақнинг висолидур, у жонон-
дан висол учун “бахиллик” айламаслигини ва “нафрат”дан сақланиш керак-
лигини айтади, чунки барча мазҳабларнинг талаби ҳам ишқ аҳли ичра бўл-
моқликдир.

Ҳажрингда юзи сорғорибон дам ура олмас,
Бечора Навоий,
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур
Ул булбули ғамнок.

Сўнгги мисрадаги лирик қаҳрамоннинг ноласи шунчалар ғамлики, оҳ-нола
чекишга ҳам ҳоли қолмаган. Ҳажр азобидан юзи сарғайиб, гўё хазон фаслида
чамансиз қолиб, ғамнок бўлган булбул каби қийналади, бироқ бу қийноқдан
у ҳатто оҳ тортмайди. Зеро, солиқ ёри учун ҳатто жон беришни ҳам арзимас

иш деб билади. Жон бериб маъшуқадан айрилмас, балки унинг билан руҳи бирлашиб ваҳдати вужуд бўлур.

Навоийнинг мазкур мустазоди илоҳий ишқнинг асл кўриниши сифатида ҳали узоқ йиллар тасаввуф илмида ўрганилувчи асар бўлиб қолади. Бой, ранг-баранг мумтоз шеъриятимизнинг асл таровати, пурмаъно ҳикмати ана шундай лирик асарлар замирида, аслида. Бундай нодир дурдоналар бор экан, адабиётимизнинг боқийлиги дахлсиздир.

Адабиётлар рўйхати

1. Навоий, Алишер. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. ТАТ, 10 томлик, 2-том. -Тошкент, 2013.
2. Навоий, Алишер. Мезон ул-авзон. -Тошкент, 1967.
3. Шодмонов Н. Аруз вазни асослари. -Қарши: Насаф, Насаф, 2012.